

616.7/19
б-31

ДРЭГГ




Дорисиз әдеболаш

СОҒЛОМ УМУРТҚА

- Фитотерапия ва умуртқа касалликларида халқ табобати усуллари
- Умуртқа ва табиий овқатланиш
- Даволаш ҳаракатлари
- Соғлом овқатланиш

ПОЛЬ
БРЭГГ



Аорийская давололам

**СО ГДОМ
УМУРТҚА**

«Adabiyot uchqunlari»

Тошкент — 2014 й. Юлийбеким

Алиханбеков-Токонбек

Балжам

95

УЎК: 616.7119

КБК: 53.59

Б 91

Брэгг Пол. Соғлом умуртқа/ П. Брэгг – Т.: «Adabiyot uchqunlari», 2014 йил, 144 бет.

ISBN 978-9943-431-87-4

УЎК: 616.7119

КБК: 53.59

Ушбу китобни тайёрлаш жараёнида умуртқа нақадар мұхит аъзо зеканини тушуниб олдим. Унинг соғломлиги инсониятта узок умр ва чиройли ҳаёт кечиришида энг катта сабабчи экан.

Китоб билан танишар экансиз, сиз ҳам шундай хуносага келишингизга аминман.

Масъул мұхаррір:


Асрор САМАД

Ушбу китоб соғликни сақлаш бўйича дарслик ҳисобланмайди. Барча тавсиялар даволовчи шифокор билан келишилган ҳолда бажарилиши шарт.

ISBN 978-9943-431-87-4

© "Adabiyot uchqunlari" нашриёти, 2014

И. Нуруллох, 2014



Сўзбоши

Поль Брэгг исмини эшитганингизда сизда қандай тасаввурлар пайдо бўлди? Сиз кўпроқ унинг тизимидағи парҳез ва очликни эсласангиз керак. Охирги пайтда кўпинча қадимгиларнинг қўйидаги фикрини эслашади: "*Одамнинг умуртқаси қанча эгиувчан ва соғлом бўлса, у шунча ёш ва соғ бўлади*". Жисмоний тарбиянинг "ота"ларидан бири ва П.Брэгг бирга ишлаган Бернар Макфаден ҳар бир одам умуртқасини кучайтириб ва чўзиб, жисмонан 30 ёшга "ёшариши" мумкин, деб ҳисоблаган.

Охирги пайтда, шунингдек, касалликларнинг сабабларини, айниқса, улар кўп бўлса, умуртқанинг бузилишидан қидириш кераклигини кўп гапиришмоқда. "*Умуртқа - бу барча касалликларнинг илгичи*", деб П.Брэггдан далил келтирадилар.

Шу муносабат билан П.Брэгг ишлаб чиққан умуртқа учун мўлжалланган 5 машқ катта шухрат қозонди. Бироқ агар сиз фақат бу машқларни бажариб, гавдани тўғри тутиш, тўғри юриш, тўғри туриш, ҳатто тўғри ётишни билиш ва бошқа кўп нарсалар ҳақида ўйламасангиз, уларнинг сизга ёрдам бериши даргумон. Ҳар қандай бошқа ишда, айниқса, соғломлаштиришда бўлгани каби айрим

қисмлар эмас, балки бутун тизим жуда катта натижа беради. П.Брэггнинг тизими ҳам бундан мустасно эмас. Лекин бизнинг баъзан қандайдир тизимнинг, нозик жиҳатлари ҳақида гапирмаганда, ҳатто асосларини тушуниб етишга ҳам вақтимиз йўқ, шундан умидсизликлар келиб чиқади. Бундан ташқари, Брэггнинг қуийдаги мулоҳазаси ҳам анча аҳамиятли бўлиб, одатда уни кўпинча негадир унутиб қўядилар: "*Менинг соғлик дастуримни амалга оширишга киришишдан олдин, албатта, ўз даволовчи врачингиз билан маслаҳатлашиш керак, деб ҳисоблайман*". [Бу ерда ва бундан кейин П.Брэггнинг "Умуртқа – соғлик қалити" (СПб.: Диля, 2003) ҳамда "Очлик мўъжизаси" (инглиз тилидан С.Шенкман, Б.Шенкман таржимаси, М.: Ёш гвардия, 1989) китобларидан иқтиbos келтирилади.]

Шундай қилиб, П.Брэггнинг умуртқани соғломлаштириш бўйича дастури нимаси билан жозибалидир? Унда ноёб нима бор?

Брэгг ҳеч қандай янгилик очмагандек туюлади. Ҳаммаси илгариgidек. Тўғри овқатланиш, экологик тоза маҳсулотлар, ифлосланмаган ҳаво, ҳар кунги маъқул жисмоний оғир ҳаракатлар ва хоҳ 200 йил яша! Бошқа масала шундаки, аксариятимиз Поль Брэгг яшаган "ҳар жиҳатдан қулай" шароитларга эга эмасмиз. Аммо айрим олимлар ҳисоблаганидек, Брэггнинг хизмати шундаки, у ўз ҳаёти билан биз баъзан ишончсизлик билдирадиган соғлом турмуш тарзи узоқ,

асосийси, соғлом умр учун шунчаки катта эмас, балки жуда улкан аҳамият касб этишини исботлаб берди. Бошқача айтганда, касалликларсиз узоқ умр яшаш мумкинлигини кўрсатиб берди.

Демак, П.Брэгг ҳар хил вазиятлар: гавдани нотўғри тутиш, ҳаддан ташқари оғирликлар, кескин ҳаракатлар ва ҳ.к. туфайли келиб чиқадиган умуртқанинг нормал бўлмаган ҳолатини кўп касалликларниң сабаби деб ҳисоблади. Бундан ҳар хил ички аъзолар касалликлари келиб чиқади, чунки уларниң ҳар бирининг иши орқа миядан чиқадиган муайян асаб толасига боғлиқ. У айнан организмнинг ўз-ўзини тиклашига ёрдам бериш мақсадида умуртқа учун машқлар ишлаб чиқди. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Брэггнинг ўзига мурожаат қиласиз:

"Бироқ мен фақат шу машқлар соғликни тиклаши мумкин, деб ҳисобламайман. Сиз тўғри овқатланиш, аъло дам олиш ва бошқа қатор тадбирларни ўз ичига оловчи, яхши ишлаб чиқилган соғлик дастурига риоя қилишингиз керак..."

Аслини олганда, биз бошлаган гапимизга қайтдик. Фақат машқлар ёрдам бермайди. Ҳамма вақт асослардан – умуртқанинг тузилишидан бошлаш яхшироқдир. Шунда соғликни тиклаш ҳақида гапирганда нега умуртқага алоҳида эътибор беришлари тушунарли бўлади.

Умуртқадаги жуда кичик бузилиш ҳам бошқа аъзоларниң ҳолатига салбий таъсир

күрсатади, ҳатто жисмоний ва рухий ҳолат ўртасидаги носозликка олиб келиши мумкинлигини тасдиқлайдилар.

Афсуски, ҳақиқатан ҳам шундай. Статистика маълумотларига кўра, 18-20 ёшдаёқ умуртқада 40 ёшга келиб кучаядиган ёқимсиз ўзгаришлар содир бўлади, 50 ёшга келиб эса, умуртқа касалликлари тахминан 80% эркаклар ва 60% аёлларда кузатилади.

Брэгга кўра умуртқани соғломлаштириш дастурига биринчи бор мурожаат қилаётганларда одатда кўп саволлар туғилади. Бу китобда уларга жавоб берилган, лекин фақат бугина эмас. Бу ерда имконият даражасида нафақат у ёки бу муаммога алоқадор Поль Брэггнинг фикрлари, балки мутахассисларнинг изоҳлари ҳам берилган. Ахир, машҳур натуропатнинг ўлимидан сўнг 30 йил ўтди. Илм эса бир ерда тўхтаб қолгани йўқ, олдин маълум бўлмаган нарса ҳозир ҳайратга солмайди. Янги билимлар эски маълумотларга тузатишлар киритади; янги маълумотлар инсон организмида кечадиган жараёнлар механизмларини яхши тушунишга ёрдам беради; илмий кашфиётлар эса инсонга ва унинг соғлигига хизмат қиласи. *"Барча янги нарсалар – бу унумилган яхши эски нарсалардир"*, дейилади маталда. Кисман ҳақиқатан ҳам шундай. Бироқ бу эски нарсанни эслаб, ҳар ҳолда янги нарсадан воз кечиш ярамайди. Ҳар қалай, баъзан бу эскини танқидий қайтадан кўриб чиқиши фойдали бўлади...

Поль Брэгг

"Умуртқа – соғлик қалити"

Инсон умуртқаси тузилишининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Агар, мисол учун, өодирдаги таянч-устун олиб ташланса, өодир қулаб тушади. Умуртқа ва инсон скелетининг бошқа сүяклари тананинг юмшоқроқ қисмларини тутуб тураси, танага керакли шакл беради... Тананинг асосий таянчи вазифасини умуртқа бажаради. Агар умуртқа олиб қўйилса, тана ерга шаклсиз бўлиб йиқиласи.

П.Брэгг

Демак, умуртқа – скелет, асаб ва мушак тизимларининг асосидир. Инсон умуртқаси 33 умуртқа суягидан иборат бўлиб, улар 5 қисмни ташкил қиласи: бўйин қисми (7 умуртқа суяги), кўкрак қисми (12 умуртқа суяги), бел қисми (5 умуртқа суяги), думфаза қисми (бир суюк – думфазага қўшилиб кетган 5 умуртқа суяги) ва дум суяги қисми (кўпинча 3 умуртқа суягидан иборат бир суюк).

Умуртқа погонаси шаклан S ҳарфини эслатади. Инсон оёқда юра бошлагандан сўнг умуртқамиз айнан шундай шаклни олди. Шу шакл туфайли инсон вазнининг бир қисм

оғирлиги умуртқа сүяклари ёнидаги пайларга күчади, юргурған ва юргандаги зарблар эса юмшайды. Аслида, зарбларнинг юмашига бўғимларнинг ташқи юзасини қоплаган зич эластик тўқима – тоғайлар ҳам ёрдам беради. Бундан ташқари, тоғайлар сүякларни ейилиб кетишдан сақлайди ва бу умуртқа учун, айниқса, муҳимдир.

Умуртқа сүяклари тоғайлар ва пайлар билан бириккан, шунинг учун умуртқа эгилиши, тўғриланиши мумкин ва ҳ.к. Умуртқанинг энг қўзғаладиган қисмлари бўйин ва бел қисмларидир, кўкрак қисми кам қўзғалувчанлиги билан ажралиб туради.

Ҳар бир умуртқа суяги ўртасида умуртқа суяги ўсимтаси жойлашган, ундан ўз навбатида ён ўсимталар бошланади. Улар умуртқа поғонасини ташқи зарблардан ҳимоя қилади. Орқа миядан умуртқа сүяклари ёйларидаги тешиклар орқали тананинг ҳар хил қисмларига хизмат қилувчи асаб толалари чиқади.

Умуртқани соғломлаштирувчи машқлар

Машқларни секин ва зўр бермасдан, умуртқага куч тушиши ва оғриқ орқали бажарманг. Мушаклардаги оғриқ эса табиий ҳодиса, бироқ бир неча кундан кейин у ўтиб кетади.

Сиз умуртқанинг кўпроқ оғриётган қисми учун мўлжалланган машқни бажарганда кескин ҳаракатлар қилманг.

Дорисиз даволаш

*Машқни такрорлаш миқдори сизнинг ёшингиз, касалликнинг оғирлиги ва жисмоний тайёрликка боғлиқлигини ҳисобга олинг. Машққа тавсияларда одатда ўрта кўрсаткич кўрсатилади. Оғирлик (нагрузка) секин-аста кўпайтирилади.

*Машқдан сўнг бир оз дам олиш мумкин, лекин комплексни тўлиқ бажариш керак.

*Агар сиз ўзингизни машқларни бажаришга ҳали етарли тайёrlанмаганман, деб ҳис қилсангиз ёки сизда вестибуляр аппарат ёмон ривожланган бўлса, машқ бажарганда стулнинг суюнчиғидан ушлаш мумкин.

*Барча машқларни хурсандчилик ва мамнуният билан бажаринг!

Машқлар қанча марта такрорланади? Бу инсон организмининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа айrim омилларга боғлиқ. Брэгг биринчи 2 кунда ҳар бир машқни 2-3 мартадан кўп бўлмаган миқдорда қилишни, 3-кунда эса машқларни тахминан 5 ва ундан кўп марта бажаришга уриниб кўришни тавсия қилади. Одатда бир неча кундан кейин инсон бир машқни 10 марта гача такрорлаши мумкинлигини ҳис қилади. Бу пайтга келиб, мушаклар мустаҳкамланади, пайлар ва умуртқа эса кўпроқ эгилювчан бўлади.

Сиз бу машқларни қанча кўп қилишингиз керак? Дастрлаб бутун дастурни ҳар куни мунтазам бажариш зарур. Организмда ўзгаришлар пайдо бўлганидан сўнг умуртқани эгилювчан ва бўшашган ҳолда

Соғлом умуртқа

сақлаб қолиш учун бажариши ҳафтаға иккى
мартағача камайтириш мүмкин.

П.Брэгг

Кимдир аллақачон бир ҳафтадан сүнг ижобий ўзгаришларни ҳис қилас, лекин бир кунда умуртқаниң функциясини тиклаб бўлмаслигини эсда тутиш муҳимдир. Умуртқа яна эгишувчан ва эластик бўлиши учун вакт керак.

Ўз-ўзидан маълумки, бу эгишувчанликнинг ўзини олганда бирдан-бир мақсад сифатида керак эмас. У энг аввал касалликлардан, биринчи навбатда умуртқадаги оғриқлардан халос бўлиш учун керак. Чунки соғлом умуртқасиз соғлом организм бўлмайди.

Мазкур машқлар бутун организмни соғломлаштира олади. Негаки, умуртқани машқ қилдириб, биз орқа миядан чиққан, ҳар хил аъзоларни бошқарувчи нервларни жароҳатлардан ҳимоя қилиш учун шароитлар яратамиз.

*Жуда кўп одамлар бу машқлар, айниқса,
5-машқ уларни ичакларнинг сустлигидан
халос қилганини айтдилар. Соғайиш нафақат
умуртқа суюкларининг нервларга босимини
бартараф қилиш натижасига, балки
шунингдек, тоснинг интенсив ҳаракатлари
туфайли юз беради.*

П.Брэгг

Машқлар, айтиб ўтилганидек, жуда оддий, уларни бажаргандан сүнг эса кучли чарчок

Дорисиз даволаш

ҳисси пайдо бўлмайди, бажариш ҳам жуда кўп вақтни олмайди.

Дарҳол эслатиб қўйиш керакки, бу машқлар сиздан ҳеч қандай шошилишни талаб қилмайди, чунки уларнинг мақсади танангизни астасекин ривожлантиришдир.

Соғломлаштириш машқларини бажаришга киришилар экан, қуийдаги қоидаларга амал қилиш лозим:

биринчиси – қотиб қолган жойларга кескин куч ишлатишга ҳаракат қилманг;

иккинчиси – нагрузкаларни ўз жисмоний имкониятларингиз билан таққослаган ҳолда машқларни бажаринг;

учинчиси – машқларни ҳаракатнинг энг юқори амплитудасига бажаришга интилманг.

П.Брэгг

1-машқ асаб тизимининг бошга, кўз мушаклари, ошқозон ва ичакларга борувчи бутун асаблар тўрига хизмат кўрсатувчи қисмига мўлжалланган.

...Фақат шу бир машқни бажариб, биз бош оғриғи, кўзлар зўриқиши, меъданнинг сустлиги ва овқатнинг ёмон ҳазм бўлиши каби хасталикларнинг манбаларига таъсир кўрсатамиз.

П.Брэгг

Бошлиғич ҳолат: полга қорин билан ётиш. Фақат кафтлар ва оёқ бармоқларига таянган

ходда тосни күтариңг, белни эса ёй шаклида букинг. Башни тосдан пастроққа тушириңг, оёқлар орасини елка кенглигидә очинг, тиззалар ва тирсакларни түғриланг. Тосни бунда құл ва оёқларни әгмасдан деярли полгача тушириңг. Башни күтариңг ва уни орқага ташланг. Сүнг тосни имкон қадар баландроқ күтариңг ва яна имкон қадар пастроқ тушириңг; яна күтариңг ва тушириңг.

Машқни секин бажариш керак. Агар сиз ҳаммасини түғри қилаётган бўлсангиз, кўп ўтмай, енгил тортасиз, чунки умуртқанинг бўшашиши юз беради.

2-машқ жигар ва буйракларга борувчи нервларни кучайтиради. Агар бу аъзоларнинг касалликлари сабаби ҳаддан ташқари асабийлашувлар бўлган бўлса, ушбу машқ вазиятни түғрилашга имкон беради.

Вақтидан илгари қариган, шалвираган жигар ва қотиб қолган буйраклар бу машқни бажариш натижасида яна яхши ишлай бошлайди.

П.Брэгг

Бошланғич ҳолат: 1-машқдагидек қорин билан полга ётилади. Тос күтарилади ва бел букилади. Оёқлар ва қўллар түғри бўлсин. Кафтлар ва оёқлар бармоқларига таянилади. Тос чапга бурилади, бунда чап ён имкон қадар пастроқ туширилади. Қўллар ва оёқлар букилмайди. Сүнг шу машқ ўнгга такрорланади.

Дорисиз даволаш

Шошилмасдан, доимо умуртқанинг чўзилишини ўйлаб бажарилади.

Бошида бу машқни бажариш анча қийин бўлади. Аммо вақт ўтиши билан уни қилиш осон бўлади, чунки нафақат асаблар, балки асаб тизими ҳам мустаҳкамланади. Шундай бўлсада, у ҳеч қачон жуда оддий бўлмайди.

З-машқ барча асаб марказларини, умуртқа суюклари орасидаги тоғайларнинг ўсишини тезлаштиради ва умуртқага биринкан мушакларни кучайтиради. Умуртқа тўлиқ, тепадан пастгача бўшашган.

П.Брэгг

Бошланғич ҳолат: орқага олиб борилган, ораси очилган тўғри қўлларга таянган ҳолда полга ўтирилади, оёқлар бир оз букилади. Тос полга горизонтал равишда кўтарилади (ораси очилган, букилган оёқлар ва тўғри қўлларга таянилади), сўнг бошланғич ҳолатга тушилади. Бир неча марта такрорланади. Машқ тез суръатда бажарилади.

4-машқ умуртқанинг ошқозонни бошқарувчи асаблар жойлашган қисмини машқ қилдириш ва чигилини ёзиш учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, у бутун умуртқа учун фойдалидир, уни организмни мувозанатлашган ҳолатга келтириб чўзади.

П.Брэгг

Бошланғич ҳолат: полга орқа билан ётилади, оёқлар узатилади, құллар икки томонға ажратилади. Тиззалар букилади, улар күкракқа қаттықроқ тортилади ва құллар билан қучилади. Сүнг тиззалар ва сонлар күкракдан узоқлаштирилади, бир вақтнинг ўзида бошни күтариб, иякни тиззаларга теккизишга ҳаракат қилинади. Шу ҳолатда тахминан 5 сония турилади.

5-машқ – умуртқаны чўзиш учун энг муҳим машқлардан биридир.

Бундан ташқари, у бошқарувчи асабларни қўзғатган ҳолда йўғон ичакка енгиллик келтиради.

П.Брэгг

Бошланғич ҳолат: 1-машқдагидек қорин билан ётиб, тос баланд күтарилади ва бел ёй шаклида букилади, бунда бош туширилади ҳамда тўғри қўл ва оёқларга таянилади. Шундай ҳолатда бутун хонани айланиб чиқиш керак, бироқ бошланишида, ҳеч бўлмаса, бир неча қадам ташлашга уриниб кўринг.

П.Брэггнинг машқларини, энг яхшиси, одатдаги жисмоний тарбия билан, эҳтимол, енгил югуриш ёки жадал пиёда сайр қилиш билан бирга бажариш керак. Мушакларни олдиндан қизитмай туриб, уларни чўзмаган маъқул, шунинг учун ўтириб-туришлар, жойда сакрашлар, ҳар хил тарафга эгилишлар, бош ва тос билан айланма ҳаракатлар қилиш сизга

фойдали бўлиши ўз-ўзидан тушунарли. Энг ўринли маслаҳат – мактабдаги жисмоний тарбия дарсларини эслашдир. Анъанавий машқларни бажариб, П.Брэгг бўйича машғулотларни бошланг. Тугатгач, душ қабул қилинг.

Ҳаракат қилмаслик – занг босиш демакдир, занг эса инқироз ва таназзулни билдиради. Бошқача айтганда, фаолият – бу ҳаёт, ҳаракатсизлик эса ўлимдир. Агар биз мушакларимизни ишлатмасак, улардан айриламиз. Мушакларни кучли ва ёш ҳолда сақлаб қолиш учун биз доимо улардан фойдаланишимиз керак.

П.Брэгг

Кўшимча машқлар

Умуртқани соғломлаштиришнинг ноёб дастурига умуртқани ва уни тутиб турган мушакларни кучайтириш учун ортопедлар томонидан тавсия қилинадиган яна қатор фойдали машқларни киритиш мумкин.

П.Брэгг

Демак, бу машқлар нафақат умуртқани чўзиш, балки унинг ҳар хил қисмлари ва мушакларни бақувват қилишга қаратилган.

Бу қийин бўлмаган машқларни доимий равища бажариб, сиз умуртқанинг эгилувчанлиги ва айrim ички аъзоларнинг ишини тиклайсиз. Агар баъзи бир машқларга

бошқа комплексларда аллақачон дуч келган бўлсангиз, бу сизни иккилантирмасин. Бу фақат бундай машқларнинг универсаллигини англатади. Бу комплекс ўтириб ишлайдиганлар учун, айниқса, фойдали бўлади.

1. Бўйинни чўзиш ва орқанинг юқори қисмини кучли қилиш.

Бошланғич ҳолат: тўғри турилади (гавданинг тўғри тутилгани текширилади), мушаклар бўшаштирилади, оёқлар елка кенглигида бўлсин. Жиплашган қўлларни энсага қўйинг ва бошни олдинга энгаштиринг. Сўнг қўллар билан қаршилик қилган ҳолда бошланғич ҳолатга қайтинг. Тахминан б сония давомида шундай қилинг. (Вақтни назорат қилиш учун ўзингизча сананг: "Бир минг бир, бир минг икки, бир минг уч... бир минг олти".) Аввал бошни тўғри тутиб, сўнг уни орқага ташлаб, худди шундай қилинг.

Бўйинни ҳар бир йўналишда имкон қадар кучлироқ чўзинг.

П.Брэгг

2. Орқани бақувват қилиш ва чўзиш.

Бошланғич ҳолат: тўғри турилади, оёқлар товоң кенглигида қўйилади. Бир пайтнинг ўзида қўлларингизни юқорига чўзган ҳолда оёқ учларида кўтарилинг, кейин ўзингизни бўш қўйинг. Энгашинг ва қўлларингиз билан тиззалар остидан қучинг. Қоринни ичга тортинг ва қўлларингиз билан қаршилик қилиб, орқани таранг қилишга ҳаракат

Дорисиз даволаш

қилинг. Ўзингизча олдинги машқдаги дек санаб, шундай ҳолатни таҳминан б сония сақланг. Ўзингизни бўш қўйинг. Машқни бир неча марта тақрорланг: таранг қилинг – бўш қўйинг, таранг қилинг – бўш қўйинг ва х.к.

Агар сиз орқангизда чарчоқ сезсангиз, бу машқ жуда фойдалидир.

П.Брэгг

3. Орқани бақувват қилиш учун оёқларни узатиш.


Бошланғич ҳолат: гавда столга деярли параллел бўлгани ҳолда тирсаклардан бир оз букилган қўллар билан стол четига суюнилади. Бир оёқни имкон қадар баландга кўтаринг ва уни шундай ҳолатда 5-б сония ушлаб туринг. Оёқни секин туширинг ва шунинг ўзини бошқа оёқ билан тақрорланг.

Чарчоқнинг биринчи белгиларигача оёқларни алмашлаган ҳолда машқни бажаринг.

П.Брэгг

4. Орқанинг тепа қисмини бақувват қилиш учун бошни айлантириш.

Бошланғич ҳолат: тўғри турилади, ўзни бўш қўйилади. Бошни олдинга шундай эгингики, ияқ кўкракка тегсин ва уни "юмалата" бошланг: қулоқ елкага тегади, энса орқага, бошқа қулоқ бошқа елкага ва яна ияқ кўкракка тегади. Бир ва бошқа томонга 20 та секин айлантиришини бажаринг.



Машқ бўйин мушакларидағи тарангликни бартараф қилиш ва бўйин умуртқасини чўзиш учун зарур.

П.Брэгг

Тиббиёт фанлари номзоди В.Челноков бу машқ борасида ёзди: "Ҳали яқинганига жисмоний тарбия ишқивозлари бошни айлантириши эрталабки гимнастика комплексига фаол киритар эдилар. Мутахассислар бу ҳаракат туфайли умуртқанинг бўйин қисмидағи умуртқа суюклари орасидаги дисклар гўё янчиш машинасида "янчилишини" аниқладилар. Бошни айлантириб кейинги йил остеохондрозни орттириб олиш ҳам мумкин. Бў хавфли ҳаракат ўрнига бошингизни ҳар икки тарафга оҳиста ўғиришларни бажаринг".

Эҳтимол, унинг сўзларига қулоқ солиш ва бу машқни мутахассис маслаҳат бергандай ёки бир қадар ўзгартирилган кўринишда бажариш керакдир: иякни пастга қаратиб; елкага қулоқни олиб боринг, кейин бошни бошқа елкага майингина юмалатинг ва бошланғич ҳолатга қайting. Яъни, сиз бошни орқага эгмаган ҳолда ярим айлана қиласиз.

5. Бутун умуртқани бақувват қилиш.

Бошланғич ҳолат: тўғри турилади, оёқлар елка кенглигида, қўллар бўш қўйилган. Худди орқангизга қарашга уринаётгандек гавдани ўнгга ва чапга ўғиринг. Қўлларингизга зўр берманг, улар гавданинг ҳаракатларига эркин эргашиби керак. Бу машқни, айниқса,

АНОДАСТО-1040878
САМАЯМ

агар шуғуланиш (разминка) етарли бўлмаса ёки сиз ҳали жисмонан ёмон тайёрланган бўлсангиз, тез суръатда ёхуд кескин бажаришни бошламанг.

П.Брэгг

6. Умуртқанинг эгилувчанилигини ривожлантириш.

Бошланғич ҳолат: тўғри турилади, оёқлар бирга, қўллар тепага узатилади. Энгашинг ва оёқларни буқмаган ҳолда бармоқ учларини оёқ, учларига теккизишга ҳаракат қилинг. Бошланғич ҳолатга қайтинг, сўнг эса қўллар ва бошни имкон қадар узоқроққа ташлаб орқага эгилинг. Яна бошланғич ҳолатга қайтинг. *Машқни 10 марта қайтаринг.*

П.Брэгг

7. Умуртқани айлантириш.

Бошланғич ҳолат: тўғри турилади, оёқлар елка кенглигида, қўллар елка баландлигида икки томонга айриласди. Шундай ҳолатда орқангизда турган нарсани кўриш учун гавдани ўнгга ўтиринг, шундан сўнг худди шундай чапга. Ҳар бир тарафга 30 айлантиришдан бажаринг. Эсда тутинг: машқни кескин ёки жуда тез ҳаракатлар билан бажаришга киришиш ярамайди.

П.Брэгг

8. Умуртқанинг пастки қисми чидамлилигини ошириш.

Бошланғиң ҳолат: полға орқа билан ётилади, құллар иккі томонға айрилади, оёқлар түғри. Оёқларни бир оз күтаринг ва уларни шундай ҳолатда 1-машқдагидек ("бир минг бир"дан "бир минг олтмиш"гача) санаб, тахминан 1 дақықа ушлаб туринг. Ҳар сафар оёқларни бир неча сония узокроқ сал күтарған ҳолда ушлаб туринг.

Бу машқ чидамлилық тестидир.

П.Брэгг

9. Умуртқаның пастки қисмими күчайтириш.

Бошланғиң ҳолат: орқа билан ётилади, құллар елка баландлигига иккі томонға айрилади, оёқлар бирга турсин. Түғри ўнг оёқни учини чүзган ҳолда тепага тик күтаринг, сүнг уни чап құл бармоқлари ётган полға теккизинг, яна тикка түғриланғ ва бошланғиң ҳолатга қайтинг. Худди шу ҳаракатни бошқа оёқ билан бошқа томонға бажаринг. Машқни ҳар бир оёқ билан 20 мартадан қайтаринг.

П.Брэгг

10. Бутун умуртқаны күчайтириш.

Бошланғиң ҳолат: полға ўнг ёнбош билан ётилади, оёқлар түғри, құллар эркін қүйилади. Чап оёқни буқмай тепага күтаринг, сүнг секин бошланғиң ҳолатга қайтинг. Оёқни буқиб, тиззани күкракқа қисинг ва унга иякни етказишга ҳаракат қилинг. Машқни ўнг ёнбошда ётган ҳолда

10 марта, сўнг чап ёнбошда ётиб, 10 марта бажаринг.

П.Брэгг

11. Умуртқани чўзиш.

Қўлларга зўр бермасдан, оёқларни полга теккизмасдан ва танани бўш қўйиб, турникда (ёки эшикнинг тена ёндорига) осилиб туринг. Имкониятингиз етганича осилиб туринг. Машқ қилмаганлар, яхиси, 5 сониядан кўп бўлмаган вақт осилиб турадилар, семиз одамлар эса ярим осилиш билан чекланишлари лозим (оёқлар полга тиралади, тананинг фақат тена қисми чўзиласди). Аёллар турникда қўлларини елка кенглигида, эркаклар бир оз кенгрок тутадилар.

Бу машқ қўллар учун эмас, балки орқа учун эканлигини эсда тутинг, шу сабабдан уни умуртқа чўзилиши учун бўш қўйинг.

П.Брэгг

12. Умуртқанинг тена қисмини кучайтириш.

Бошланғич ҳолат: тўғри туршлаби, оёқлар бирга ёки бир оз очилган бўлаби. Елкаларни имкон қадар тепага кўтаришган ва уларни оҳиста имкон қадар орқага олиб боринг. 15 марта шундай тақрорланг, бир неча сония дам олинг, шундан сўнг яна шундай ҳаракатларни (15 марта) энди олдинга бажаринг.

Ҳар куни ҳаракатлар миқдорини
кўпайтириб бориб, уларнинг сонини ҳар бир
томонга 30 тагача етказинг.

П.Брэгг

Поль Брэггнинг тавсиялари

Машқларни бажариш ким учун фойдали
(машқлар ким учун мўлжалланган)?

П.Брэгг томонидан таклиф қилинган
қўшимча машқларни нафақат комплексда,
балки алоҳида бажариш мумкин ва ҳатто керак.

*Биринчи беш машқни ҳар қандай вақтда,
ҳар қандай жойда қилиш мумкин. Камҳаракат
ҳаёт тарзини кечирадиган кишилар вақти-
вақти билан ўринларидан туришлари ва, ҳеч
бўлмаса, бу машқлардан биттасини
бажаришлари зарур... Вақтни йўқотишдан
қўрқманг, аксинча, сиз унинг ўрнини
тўлдирасиз, чунки тезроқ ва яхшироқ
ишлийсиз, ўз соғлигингишни сақлаб қолишингиш
ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.*

П.Брэгг

Умуртқа суюклари орасидаги дисклар энг
кучли зўриқиши одам жуда юмшоқ ўриндиқда
ўтирганида (агар бунинг устига орқа
мушаклари заиф бўлса) бошдан кечириши
ҳақида олимларнинг маълумотларига таянган
ходда Брэгг маслаҳат беради:

*... Камҳаракат ҳаёт тарзида тўғри қад-
қоматни сақлашга ёрдам берадиган*

Дорисиз даволаш

ўриңдиққа эга бўлинг ва вақти-вақти билан умуртқани чўзувчи ва мушакларни кучайтирувчи машқларни қилиш учун стулдан туришини унумтманг".

Умуртқанинг мустаҳкамланишига зинадан юриш ҳам ёрдам беради. Шунинг учун уйга қайтаётганда керакли манзилга бир неча қават етмасдан лифтдан тушиш ва зинадан кўтарилиш лозим. Албатта, умуртқа тўғриланган, бош кўтарилган, елкалар текис бўлишига эътибор бериш керак. Бунда зина тўсиқларидан фойдаланмаган яхши.

Жисмоний меҳнат билан шуғулланадиганларда ҳам умуртқа билан боғлиқ муаммолар келиб чиқиши мумкин. Айтайлик, умуртқанинг бир томонидаги мушаклар бошқа томонидагига нисбатан кучлироқ ривожланган. Табиийки, бунда умуртқа қийшиқ бўлиб қолади. Эҳтимол, бундай одамларнинг бутун комплексни бажариши шарт эмасдир, бироқ гавданинг тўғриланиши учун машқлар билан шуғулланишлари зарур.

Уй хўжалигини юритувчиларга ҳам умуртқа учун мўлжалланган машқлар комплекси умуман халақит бермайди.

... Агар бу машқларни қилсангиз, сизнинг кундалик меҳнатингиз анча осон бўлади ва сиз кам чардоқни ҳис қиласиз.

П.Брэгг

П.Брэггнинг нега бунга шунчалик ишонишини фаҳмлаш қийин эмас: умуртқа чидамлироқ бўлади.

Аммо, айниқса, болалар ва ўсмиirlар ҳатто улар кўпгина катталардан фарқли равища спорт билан шуғулланишса-да, демак, фаол ҳаёт тарзини кечиришса-да, умуртқанинг ғамини ейишга муҳтожлар. Гап шундаки, умуртқа ўсмиirlик ёшида ҳам "ўтириша" бошлиши мумкин. Эътиборли тренер ёки врач буни, албатта, сезади ва умуртқани чўзиш учун машқларни тавсия қилади.

Мутахассислар тавсия қиладиган машқлар орасида П.Брэгг 2-сига алоҳида эътибор қаратади (1-сини у "ит керишиши" деб атайди – негалиги тушунарли, 2-си ҳам ҳайвонлардан "ўзлаштириб" олинган).

1. Полда тизза билан туриинг, тиззалар бир оз очилган, сонлар полга перпендикуляр бўлсин. Олдинга энгашиング ва пешонангиз полга теккунича полда қўлларингиз билан олдинга ҳаракат қилинг. Ўнгача тез санаб, кўкрак қафасини имкон қадар полга яқинроқ тушириинг, сўнг "беш"ни санаб, кўкрак қафасини кўтаринг. Машқни З дақиқа давомида такрорланг.

Бу машқ бутун умуртқани чўзади ва елка бўғимларининг чигилини ёзади.

2. Барчамиз ҳайвонларнинг ерда орқалари билан думалаганларини кузатганимиз. Ортопед, доктор Ллойд Кингсбери айтганидек, улар шу тариқа умуртқа поғоналарини машқ қилдирадилар. У бу машқни одам учун қўйидаги тарзда ўзгартириди: орқа билан ёting, тиззалар букилган, оёқларнинг ораси очилган, қўллар елка баландлигида эркин ётибди,

Дорисиз даволаш

тирсаклар букилган, панжалар бошга параллел. Белни полга босинг ва сонларни эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилдириб, уларни худди умуртқани чўзаётгандек бир томонга ўтказинг, елкалар ва бошни эса бошқа томонга эгинг. Танани шу ҳолатда имкониятингиз етганича тулинг, мушаклар чарчаганида уни бўш қўйинг.

Бу икки машқ орқадаги чарчоқ ва оғриқда катта енгиллик беради.

Умуртқа ва орқа мушакларини П.Брэгг тавсия қилган машқларни бажариб бақувват қилиш мумкин. Бунинг учун яна бошқа машқлар комплексларидан фойдаланиш ҳам керак (улар иловада берилган). Асосийси, машҳур натуропатнинг сўзларини эслаш керак:

"Эслаб қолинг, хотираңизга ўчмас ҳарфлар билан ёзингки, инсоннинг соғлиги, кучи, сергайратлиги ёшга эмас, балки унинг умуртқа поғонаси ҳолатига боғлиқ".

Нихоят, умуртқамизга нима зарар эканлиги, уни нима нобуд қилиши ҳақида бир неча сўз (ҳали айтилмаган нарсалар тўғрисида):

*Умуртқа учун гиподинамиядан кўра ёмонроқ ҳеч нарса йўқ. Барча умуртқа қасалликларининг 3/4 қисми айнан ҳаракат фаоллигининг етишмаслиги билан тушунирилади. Бу, айниқса, остеохондрозга ирсий мойиллиги бўлганларга тааллуқлидир. Ҳаракат – ҳақиқатан умуртқа учун ҳаётдир, чунки умуртқа суюклари бир-бирига нисбатан ҳаракатланганларида дискларга суюқлик келади.

*Остеохондроз фаол спорт билан шуғулланувчилар яқинига ҳам йўламайди:

статистика 10% умуртқа касаллікlassesи ҳаддан ташқари жисмоний оғирликлар билан боғлиқлигини күрсатади.

Умуртқа ҳатто енгил зарб ва титрашларни ёқтирумайды, чунки ҳар қандай шикастланиш тоғай дискларининг ҳолатига ёмон таъсир күрсатади.

"Умуртқадан юқ күтарағидан кран сифатида фойдаланишса, у бунга бардош беролмайды. Ахир, бу вақтта бел қисмининг 4- ва 5-умуртқа сұякларига сиз күтарған оғирликтан 10 марта ортиқ юқ тушади. Шунинг учун штангачилар рекорд оғирликни күтаришдан олдин қандай йўл тутшишларини эсланг: улар тиззаларни буказилар, орқани тўхтатиб турасилар, штангани имкон қадар танага яқин тутасилар, нафас чиқариб, ғалаба қичқириғи билан уни күтарасилар. Қичқириқдан бошқа ҳаммасини қурол қилиб олинг. Шу тариқа сиз умуртқангизни жароҳатлардан сақтайсиз" (В.Челноков, тиббиёт фанлари номзоди).

Доимий стресслар, қўрқув, зўриқиши, кўнгилсизликларни кутиш умуман, умуртқага эса хусусан соғлик келтирмайди. У кайфиятимиздан таъсирланиб, оғрий бошлайди, чунки ташвиш ва қўрқув гормони – адреналин бириктирувчи тўқимага зарар етказади. Шундай қилингки, яхши кайфият умуртқангизнинг яхши соғлиги гарови бўлсин.

Умуртқа ва табиий овқатланиш

Умуртқанинг соғломлиги учун нафақат ҳаракат, балки түғри овқатланиш ҳам катта аҳамият касб этиши ҳақида зикр қилинган эди. Бу ҳақда батафсилоқ гаплашамиз.

Табиий овқат ва ортиқча вазн ўзаро боғлиқми?

Ортиқча вазн барча ёш категориялари орасида тарқалғанлигининг бирдан-бир сабаби күпчилик одамлар ортиқча, бундан ташқари соғлик учун зарарли овқатни ейдилар...

Табиий овқат – бу вазнни сақлаш ва яхши соғликнинг энг ишончли манбасидир. Она табиат инсонни мувозанатлашган овқат билан тұлық таъминлаши мумкин. Аммо инсон ўз ҳузури учун доимо бу мувозанатни бузади ва бунинг әвазига соғлиғидан ажralади.

П.Брэгг

Цивилизациямизнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, халқнинг асосий күпчилиги табиий овқат манбаларидан узоқда яшайды, шунинг учун биз озиқ-овқатни сақлашни ўрганишга мажбур бўлган эдик. Бу ўз навбатида озиқ-овқатни минерал моддалар ва витаминалардан маҳрум қилувчи саноат йўли билан қайта ишлашга олиб келди. Натижада овқат ҳақиқатан ҳам "ўлик" бўлиб қолди. Албатта, у очликни қондиради,

лекин организмга унга керак бўлган барча фойдали моддаларни, демак, қувватни ҳам бермайди. Катталар керакли қувватни "олиш"га уриниб, дори ича бошлашади, меъёридан ортиқ қаҳва, спиртли ичимликлар истеъмол қилишади, чекадилар, наркотиклар қабул қиладилар...

Кўпчилик бизнинг давримизда табиий овқатланиш экологик ҳалокатлардан сақлаши мумкинлигига шубҳа билан қарайдилар. Ҳа, эҳтимол, буни тўлиқ даражада қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди. Шундай бўлса ҳам, бу йўналишдаги айrim ишларни ҳар ким қилиши мумкин.

Бироқ бу сиздан муайян куч ва билимларни талаб қиласди. Аммо сиз бунинг эвазига аянчили яшаш ўрнига шодликларга тўла ҳаётга эга бўласиз.

П.Брэгг

П.Брэгга кўра "табиий овқатланиш" қандай бўлади?

Ҳозир сизнинг қандай эканлигиниз, эртага, кейинга ҳафта, кейинги ой ва 10 йилдан сўнг қандай бўлишингиз фақат нима ейишингизга боғлиқ. Сиз – бу истеъмол қиласиган овқатингиз йигиндисисиз. Ўзингизни қандай ҳис қилишингиз, кўришингиз қандайлиги, ўз ишларингизни қандай кечиришингиз нима ейишингизга боғлиқ. Организмингизнинг ҳар бир қисми –

Дорисиз даволаш

бошдаги сочлар, күзлар, тишлар, сұяклар, қон ва тана овқатдан ташкил топади. Ҳатто юз ифоданғиз сиз еган нарсадан шакланады, чунки соғлом одам – баҳтиёр одамдир.

П.Брэгг

Айтиб үтилганидек, П.Брэгг саноат йўли билан ишлов берилган озиқ-овқатларни "ўлик" ҳисоблайди, чунки уларда организм учун фойдали моддалар қолмайди. Шунинг учун у ҳўл ва тўлиқ пиширилмаган мева ва сабзавотларни, кам ишлов берилган озиқ-овқатларни афзал кўришни таклиф қиласди.

Агар овқатингизнинг ярми "ўлик" бўлса, сиз ҳам ярим ўликсиз. Жонли, сергайрат, соғлом, баҳтили бўлиш учун ўз танасини "тирик" овқат – барча витаминалар, минерал моддалар, энзималар ва инсон организмига зарур бошқа компонентларга эга овқат билан озиқлантириш керак.

П.Брэгг

Истеъмол қилиниши ҳақидаги баҳс-мунозара бир асрдан кўп вақт давом этаётган тузни олайлик. П.Брэгг қандай далилларни келтиради? У туз инсон ўз рационига киритган биринчи заҳар бўлган, деб ҳисоблайди:

...Ош тузи бўлган хлорли натрий ноорганик ва сингиши қийин минералдир. Бироқ уни инсон организми сингдириши

мумкин бўлган ва унга эҳтиёж сезувчи органик натрий билан адаштирманг.

Хлорли натрий озиқ қийматига эга эмас. Организм унга кирадиган бир қисм тузни чиқариб ташлаши мумкин, қолган қисми тўқималар ва тананинг ҳар хил жойларида қолиб кетади, у ерларда, шунингдек, кимёвий қўшимчалар ва консерванлар ўтириб қолади...

Табиий натрий сабзавотлар, балиқ, гўшт ва бошқа озиқ-овқатларда, ҳатто уларга туз билан ишлов берилмаса ҳам, тўла етаришидир.

Бу табиий натрий организмнинг нормал эҳтиёжларини тўлиқ қондириши мумкин.

П.Брэгг

Туз, айниқса, унинг ортиқчаси буйраклар, ўт пуфаги, қовуқ, юрак, артерияларга зарар етказади... Нега тузланган нарсадан сўнг одамнинг сув ичгиси келади? Чунки ошқозон тузни имкон қадар тезроқ буйраклар орқали чиқаришга интилади, бунинг учун эса кўп сув керак. Агар буйраклар ортиқча тузни сингдиришга қодир бўлмаса, улар организмда, айниқса, товоnlар ва болдирининг пастки қисмида чўкиб қолади. Кейин айнан шу ерда тузни эритиши керак бўлган сув йифилади. Натижада бу жойлар (сув олдингидек тўқималарда йифилганидан) шиша бошлайди, оғриқ беради.

Кўтарилиган босимнинг сабабларидан бири – ортиқча туздир. Хуллас, айрим ҳолларда

хатто оз миқдордаги туз инсон учун ҳалокатли бўлиши мумкин.

Бундан шундай хуносага келиш мумкин: ош тузи организмда ёмон сингади, ундан тўлиқ чиқарилмайди, озиқ қийматига эга эмас, айниқса, ортиқча туз организм ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, бу "ўлик" маҳсулотdir.

(Бироқ бунга ҳамма ҳам қўшилмайди. Академик Б.Болотов тузни "оқ ўлим" деб эмас, балки фойдали зираоворлардан ҳисоблади ва ҳатто олмалар, ноклар, тарвузлар ва қовунларга бир оз туз солишини тавсия қиласди. Лекин ҳозир гап улардан ким ҳақлиги тўғрисида эмас, балки Брэгг нуқтаи назарида табиий овқатланиш тамойиллари ҳақидадир.)

*Табиий овқатга қарши яна бир жиноят –
бу маҳсулотларни тозалаш ва қайта
ишлашdir. Тозаланган оқ ун магазин
полкаларида узоқ сақланиши мумкин, чунки
у ҳақиқатан "ўлик"dir. Табиий буғдој
куртаги энг бой озиқ манбаларидан бириdir,
саноат йўли билан қайта ишланганда
дондан чиқариб ташланади, унда фақат
"қуруқ" калориялар қолади.*

П.Брэгг

Энди мулоҳаза учун озгина маълумот келтирамиз:

Буғдој куртакларида Е витамини, В гуруҳидаги кўпчилик витаминлар, кальций, магний, фосфор ва бошқа микроэлементлар

бор. Улардан фойдаланишдаги бош муаммо – кам сақланиш муддатидир. Яхшилаб қовурилган куртаклар узок сақланади, бирок хоми күпроқ қимматлидир.

Майда тортилган олий навли оқ унда 10,3% оқсил, 68% крахмал бор; 2-нав унда – 11,7% оқсил, 63% крахмал, бирок унда олий навли унга қараганда клетчатка 6 марта, минерал моддалар 2-4 марта, В гурухидаги витаминалар 2 марта күпдир. Холоса битта: ун қанча майда тортилган ва олий навли бўлса, унда оқсил, айниқса, минерал моддалар, витаминалар, клетчатка шунча кам, лекин жуда яхши ҳазм бўладиган ва сингадиган крахмал күпдир.

Аслини олганда, ҳар хил тортилган ун ва буғдой куртаклари озиқ қийматини солишириш "ўлик" маҳсулотларнинг табиийсидан фарқини аниқроқ кўрсатиш учун келтирилди.

Яна битта қизиқарли мисол. Немис олимлари янги ноннинг сирти унинг юмшоқ жойидан кўра анча фойдали эканлигини аниқладилар: унда ичак саратонининг олдини олувчи ферментлар даражасини оширадиган антиоксидантлар мавжуд. Қора нон оқ нондан кўра фойдалироқ эканлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам тасдиқланди: ноннинг қора навларида (жавдар ёки буғдой унидан бўлса ҳам) оқ ва ёғли, ширин нондан кўра кўпроқ антиоксидантлар бор. Бирок ортиқча қовурилган ёки таги куйган нонда фойдали моддалар даражаси кескин тушиб кетади.

Қанд ва гўшт маҳсулотлари билан ҳам ахвол шундайдир.

Тоза, ишлов берилмаган қандга нисбатан тозаланган оқ қанднинг энергетик имконияти – худди дарахтнинг ёнишига нисбатан қоғоз варағининг ёнишидир.

Гўшт ва ёғ ҳам саноат йўли билан ишлов берилгандан сўнг барча муҳим хоссаларидан маҳрум бўлади. Гидрогенизация қилинган ёғлар ва маргарин мумсифат ёғнинг эримайдиган катта бўлаги бўлиб қотади.

П.Брэгг

Ҳозирги олимлар ҳам табиий овқатланиш нафақат умуман соғликка, балки хусусан умуртқанинг ҳолатига таъсир кўрсатиши ҳақида гапирмоқдалар. В.Челноков шундай ёзади: "Ёғли овқат моддалар алмашинувини бузади – умуртқа суяклар ва бириттирувчи тўқима учун зарур озиқ моддаларни олмайди.

Атеросклерознинг юзага келишини қўзғатувчи, масалан, сариёғда мўл-кўл бўлган заарали холестерин томирларга ўтириб қолади. Унинг "уюм"лари, яна оғир металлар тузлари, организмга тамаки тутуни ва спиртли ичимликлар орқали кириб келадиган бошқа токсинлар умуртқа дискларидан топиласди.

Тозалангандан кейин ширинликдан ташқари ҳеч нарса қолмайдиган қанд суяклардан кальций, фосфор, магний ва марганецни "олиб қўйиб", уларни заиф, ғовак, мўрт қиласди. Ширинликка ўч одамларда умуртқа, суяқ тизими билан нима содир

бўлишини тасаввур қилиш мумкин: қанддан ҳатто тишлар чирийди, улар эса анча мустаҳкамдир. Бироқ ширинхўрлар хафа бўлмасликлари керак: асал, хурмо, майиз соғлик учун хавфли қанднинг ўрнини тўлиқ тўлдириши мумкин".

Юқорига айтилганлардан қилинадиган хулоса эса биттагидир: ўз соғлигингилини саклаш учун "ўлик", витаминлардан жудо бўлган овқатни истеъмол қилманг.

П.Брэгг

Табиий овқатланишга ўтаётганда биринчи галда нимага эътибор қаратиш керак?

Аввал бошда табиий овқатланишда озиқ-овқатларнинг ўзаро нисбатини билиш ёмон бўлмасди:

Барча истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларнинг $3/5$ қисми – ҳўл ёки тўлиқ пиширилмаган мева ва сабзавотлар;

Барча истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларнинг $1/5$ қисми – табиий ёклар, табиий қандлар, табиий крахмаллар;

Барча истеъмол қилинадиган озиқ-овқатларнинг $1/5$ қисми – протеинлар (ҳайвон ёки ўсимликларга хос).

П.Брэгг

Демак, ҳўл ва тўлиқ пиширилмаган янги мева-ю сабзавотлар, шунингдек, янги сиқиб олинган шарбатлар (консерваланмаган ёки

музлатилган) бутун кундузги рационнинг 3/5 қисмини ташкил этиши керак. Идеал вариант – кунни айнан улар билан бошлаш ва уларни кун давомида овқат орасида ейишдир. Агар янгилари бўлмаса, қуёшда қуритилган меваларни олдин уларни тун давомида дистилланган сувда ивитиб ейиш мумкин.

Кун ўртасида ва кечаси, албатта, овқатланишни ҳўл сабзавотли салат билан бошлашни ўзингиз учун одат қилинг. Ажralmas таркибий қисми ҳар хил бўлиши мумкин: сельдерей, петрушка, салат, қалампир, пиёз, сабзи, лавлаги, помидор, редиска, бодринг, карам.

Зираворлар сифатига ўсимлик мойи, лимон, табиий уксус ва туйилган қуруқ ўтларни ишлатинг. Пиширилмаган карам сабзавотли салатнинг асоси бўлиб, умуртқани ва бошқа суюкларни яхши ҳолатда сақлаш учун жуда муҳим бўлган С витаминига бойдир.

П.Брэгг

Брэгг тўлиқ пиширилмаган сабзавотларни истеъмол қилиш керак, деганда нимани назарда тутади? У шунчаки сабзавотларни қандай қайнатиш зарурлиги ҳақида айrim тавсияларни беради:

Сабзавотларни сотиб олинганидан сўнг дарҳол пиширинг ва уларни меъёрдан ортиқ қайнатиб юборманг! Узоқ қайнатилганда

күп витаминалар йўқолади. Сабзавотларнинг пўстини арчманг. Уларни астойдил ювинг ва энг кам миқдордаги сувда қайнатинг ёки минимал ҳароратда қизартириб пиширинг. Сабзавотларни буғда ёки тезқайнар қозонда пишириш жуда яхши.

П.Брэгг

Табиий ёғлар, крахмаллар ва қандлар рационнинг 1/5 қисмини ташкил қилиши керак, шу билан бирга бу гуруҳнинг ҳар бир компонентига тахминан 1/3 қисми ажратилади.

Энг яххиси, тўйинмаган ёғларни, яъни ўсимлик ва денгиз маҳсулотлари ёғларини истеъмол қилишдир, бироқ энг оз миқдорда тўйинган ҳайвон ёғлари ҳам, масалан, сариёғ тақиқланмайди.

Организмни крахмаллар билан таъминлаш учун иирик тортилган ундан бўлган нон, каша ва картошка енг.

Табиий асал ёки хурмо эса сизга табиий қандни беради.

Рационнинг 1/5 қисмини ташкил қилувчи протеинлар (оқсиllар) ўсимлик ёки ҳайвонларга тегишли бўлиши мумкин; уларни бирга қўшса бўлади.

Ҳайвонларга тегишли оқсиllарга бой маҳсулотларга гўшт, балиқ, парранда, тухум, сут ва табиий пишлоқ киради. Албатта, ҳайвонларнинг овқатига ўсиш стимуляторлари кўшилмаганини ва балиқда симоб йўқлигини аниқ билиш яхшидир, лекин бу ҳақда маълумотларни ҳамма вақт олиб бўлмайди (агар бу маҳсулотлар ўз хўжалигингидан бўлмаса).

П.Брэгг гўшт, айниқса, гўштга яқин маҳсулотларни (буйрак, юрак ва ҳ.к.; уларнинг озиқ қиймати кўпроқ) ҳафтада 3 мартадан, янги тухумларни 4-6 марта кўп емасликни, пишлоқ ва йогуртни эса салатлару қизартириб пиширилган овқатларга қўшимча сифатида ишлатишни тавсия қиласди.

Сут – болалар учун ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган протеинлар манбаидир, бироқ катталар уни унча яхши ҳазм қиломайди... Сариёғ ҳақига ҳам шундай дейиш мумкин. Сут ва унинг маҳсулотлари кўринча инсонда шилимшиқ ажралишига сабаб бўлади.

П.Брэгг

Катта миқдорда оқсилларга эга ўсимлик маҳсулотларига соя дуккаклари, уруғлар, ловия, ёнғоқлар, бақлажон, қўзиқоринлар, пиво ачитқиси, буғдой, тариқ, маккажўхори, гречиха, арпанинг ишлов берилмаган бутун донлари киради.

Ишлов берилмаган буғдой дони – Е витаминининг энг бой табиий манбаларидан биридир. Янчилган бутун дон бўтқа – каша ва салатларга ўзига хос таъм беради.

П.Брэгг

Ҳар бир одамнинг ўзи айнан унинг учун тўғри келадиган вариантни танлаши керак: қатъий вегетарианлик, сутли, гўштсиз овқат ёки ҳайвон ва ўсимлик протеинлари бирлиги.